



220200 Богот шаҳарчаси, Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Тел:31-52-807, факс: 31-52-425

2019 йил «15» июль

№ 48/5 к

Богот шаҳарчаси

Хоразм вилояти ҳокимининг 2019 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-4386-сон қарорининг ижроси ҳақида”ги 475қ-сонли қарорининг ижроси тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-4386-сон қарорининг ижроси юзасидан туманда халқимиз учун энг улуғ, энг азиз айём, эркин, обод ва фаровон ҳаёт кўриш йўлидаги барча ютуқ ва муваффақиятларимизнинг асосий манбаи бўлган Ватанимиз мустақиллигининг йигирма саккиз йиллигини катта тайёргарлик билан кутиб олиш, бу қутлуғ санани улуғ моҳияти ва аҳамиятига, халқимизнинг фидокорона меҳнати, эзгу орзу-интилишларига муносиб тарзда нишонлаш мақсадида

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Хоразм вилояти ҳокимининг 2019 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ-4386-сон қарорининг ижроси ҳақида”ги 475қ-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Хоразм вилояти ҳокимининг мазкур қарори билан:

- Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича вилоят комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқланганлиги;

- вилоят комиссияси (С.Салаев) бир ҳафта муддатда “Жонажон

Ўзбекистоним, мангу бўл омой!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқиш топширилганлиги;

- ушбу дастурда 2017-2021 йилларда Ўзбекистан Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, “**Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили**” давлат дастури, “**Обод қишлоқ**”, “**Обод маҳалла**”, “**Ҳар бир оила - тадбиркор**”, “**Ёшлар — келажагимиз**”, “**Беш ижобий ташаббус**” каби муҳим дастур ва режалар доирасида олиб борилаётган туб ислохотларнинг маъно-мазмунини ва руҳини мужассам этилишига алоҳида эътибор қаратиши белгиланганлиги;

- вилоят маданият бошқармаси (Ш.Яхшибаев) Ўзбекистан Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Г.Ибодуллаева), Ўзбекистан композиторлари ва бастакорлари уюшмаси вилоят бўлими (А.Тўраев) ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда юртимиз истиклолини тараннум этадиган энг яхши кўшиқ ва мусиқа асарлари учун “**Ягонасан, муқаддас Ватан!**” республика танловининг вилоят босқичини ўтказиш топширилганлиги;

- таллов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилиниши ва тақдирланиши топширилганлиги;

- вилоят комиссияси ўз йигилишларида белгиланган чора-тадбирлар шаҳарлар ва туманларда қандай амалга оширилади дегани юзасидан ҳар бир ҳудуд, бошқарма, идора ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб бориши;

- вилоят маданият бошқармаси (Ш.Яхшибаев), Ўзбекистан Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Г.Ибодуллаева), шаҳарлар ва туманларда ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссиёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстрлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, мақом ва бахшичилик санъати вакиллари билан иборат ижодий гуруҳларни кенг жалб этиши;

- Ўзбекистан Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси (Д.Бекчанова) вилоят маданият бошқармаси (Ш.Яхшибаев), Ўзбекистан Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими (Г.Ибодуллаева), Ўзбекистан журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлими (У.Матқурбонов), Ўзбекистан бадиий академияси бадиий ижодкорлар уюшмаси вилоят бўлими (М.Мадаминов), “Тасвирий ойна” ижодий уюшмаси вилоят бўлими (С.Ибрагимов) ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда “Энг азиз, энг улуғ”, “Ранглар жилосида - она диёр”, “Ватан учун яшайлик” каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни топширилганлиги;

- барча ўтказиладиган байрам тадбирлари вилоят, шаҳарлар ва туманларда маҳаллий бюджет ҳамда ҳомийлик ҳайриялари ҳисобидан қопланиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма саккиз

йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича туман комиссиясининг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Туман комиссияси (Р.Шарипов) бир ҳафта муддатда **“Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!”** деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

Ушбу дастурда 2017-2021 йилларда Ўзбекистан Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси, шунингдек, **“Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”** давлат дастури, **“Обод қишлоқ”**, **“Обод маҳалла”**, **“Ҳар бир оила - тадбиркор”**, **“Ёшлар — келажакимиз”**, **“Беш ижобий ташаббус”** каби муҳим дастур ва режалар доирасида олиб борилаётган туб ислохотларнинг маъно-мазмунини ва руҳини мужассам этилишига алоҳида этибор қаратсин.

Туман маданият бўлими (Қ.Авазматов), Ўзбекистан Республикаси маънавият ва марифат маркази туман бўлими (С.Ражабов) ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этадиган энг яхши кўшиқ ва мусиқа асарлари учун **“Ягонасан, муқаддас Ватан!”** республика танловининг туман босқичини ўтказсин.

Таллов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин ва тақдирлансин.

5. Туман комиссияси туманда амалга оширилаётган чора-тадбирлар юзасидан ҳисоботларини мунтазам равишда вилоят комиссиясига тақдим қилиб борсин.

6. Туман маданият бўлими (Қ.Авазматов), Ўзбекистан Республикаси маънавият ва марифат маркази туман бўлими (С.Ражабов) ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссиёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстрлар, сахна рассомлари ва истеъдодли ёш ижрочилардан иборат ижодий гуруҳларни кенг жалб этсин.

7. Туман молия бўлими (Ж.Рўзметов) туманда ўтказиладиган байрам тадбирларига сарфланадиган барча маблағларни маҳаллий бюджет ҳисобидан қопласин.

8. “Боғот садоси” таҳриряти (Ш.Усмонхўжаев)га туманда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни ёритаб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Қурбонов ва туман ҳокимининг ўринбосари Р.Шарипов зиммасига юклансин.